

УЧУВЧИСИЗ УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА Фойдаланишини назорат қилиш бўлими НИЗОМИ

Асос:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги №5647-сонли «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги» фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги №ПҚ4143-сонли «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги» Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги 337-сонли «Фуқаро авиацияси Агентлигининг ташкил этиш, темир йул ҳафсизлиги инспекциясини ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги йул қурилиш ишларининг сифат назорати инспекцияси» тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 31 августдаги 287-сонли «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланиш тартиби» тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори.
6. Халқаро фуқаро авиацияси тугрисидаги конвенция (Чикаго конвенцияси 1944 йил) ва унинг иловалари.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Учувчисиз учиш аппаратларини рўйхатга олиш ва фойдаланишини назорат қилиш бўлими, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги фуқаро авиацияси Агентлигининг (кейинги ўринларда – фуқаро авиацияси Агентлигининг) бошқармаси таркибига киради.
2. Учувчисиз учиш аппаратларини рўйхатга олиш ва фойдаланишини назорат қилиш бўлими (кейинги ўринларда- фуқаро авиацияси Агентлигининг) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига, ИКАОнинг норматив ҳужжатларига, «Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларига, «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги фуқаролик авиацияси Агентлиги тугрисидаги низом».
3. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиациясида парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекторлари мавқеига эгадирлар.

2-БОБ. АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

4. Фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларини рўйхатга олиш.
5. Фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишга хулоса бериш.
6. Фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишни назорат қилиш.
7. Бўлимнинг ваколатига тегишли масалалар бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг, авиация маъмуриятлари билан ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларни таъминлаш бўйича иштирок этиш.

3-БОБ. АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАР

8. Иш тартиби, қоидалар, қўлланмалар ва бошқа фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш ва рўйхатга олиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш.
9. Фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишга хулоса беришни ўрнатилган тартибда назоратини амалга ошириш.
10. Фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларини рўйхатга олишни юритиш бўйича назорат қилиш
11. Қуйидагиларга риоя қилиш бўйича назоратни ташкиллаштиради ва амалга оширади:
 - фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларининг парвозларини бажариш ва таъминлашни ташкил этиш қоидалари;
 - фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларига техникавий-хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш қоидалари.
12. Фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратлари билан содир бўлган авиация ҳодисалари ва инцидентларни текширишда белгиланган тартибда қатнашади.
13. Халқаро ташкилотлар ишларида, конференцияларда ва семинарларда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий базани ва инспекторлар таркибини тайёрлашни такомиллаштириш масалалари бўйича иштирок этади.
14. Бўлимнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича, юридик ва жисмоний шахслар мурожатларини кўриб чиқилишини.
15. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, юридик ва жисмоний шахсларга маълумот ва маслаҳат ёрдамларини кўрсатади.
16. Инспекторларни қайта тайерлаш ва малакасини оширишни ташкиллаштиради.

4-БОБ. БЎЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

17. Бўлимни фуқаро авиацияси Агентлигининг директори томонидан тайинланган бошлиқ бошқаради.
18. Бўлим бошлиғи йўқлигида, унинг вазифаларини бўлим бош мутахассиси бажаради.
19. Бўлим ходимлари лавозим йўриқномасига мувофиқ ўз вазифаларини бажарадилар ва жавобгардирлар.
20. Бўлимнинг иш фаолияти, директор уринбосари томонидан тасдиқланадиган режасига мувофиқ амалга оширилади.
21. Бўлимнинг иш тартиби «Фуқаро авиацияси Агентлиги ходимларининг ички меҳнат тартиби қоидаларига» асосан ўрнатилади.
22. Бўлим бошлиғи, ҳар бир ходимнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, бўлимнинг самарадорлигини ва мутахассислар алмашинувини таъминлаш учун, бўлим бош мутахассиси ва етакчи мутахассис ўртасида вазифаларни тенг тақсимлаб беради.

23. Бўлимнинг структуравий схемаси иловада келтирилган.

5-БОБ. БЎЛИМ БОШЛИҒИНИНГ ВАЗИФА ВА ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

24. Бўлим бошлиғи мажбур:

- авиация соҳасида олий маълумотга, амал қиладиган фуқаро авиацияси мутахассисининг гувоҳномасига, фуқаро авиациясида учувчи, диспетчер ёки муҳандис лавозимларда ишлаган 5 йилдан кам бўлмаган, шундан 3 йилини раҳбар лавозимларда ишлаган иш стажига эга бўлиши лозим;

- ҳаво кодекси талаблари, фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва авиация қоидаларини, фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг (ИКАО) тавсия амалиёти ва стандартларини билиш;

- меҳнат қонунчилиқ асослари, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва иш жой санитарияси қоидаларини билиш;

- лавозимига оид вазифаларини амалга оширишда зарур бўлган даражада давлат тилини билиши;

- шахсий электрон ҳисоблаш машинасида ишлашни билиш;

25. Қуйидагилар бўлим бошлиғининг вазифалари ҳисобланади:

- Фуқаро авиацияси Агентлигининг директори (ўринбосарининг) буйруқларига ва ушбу Низомда белгиланган асосий вазифалар ва функцияларга мувофиқ бўлим фаолиятини режалаштириш ва ташкиллаштириш;

- фаолият соҳалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

- ўз вақтида аризани кўриб чиқиш ва учувчисиз учиш аппаратининг техник ҳолатини баҳолашни бажариш;

- фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг (ИКАО) тавсиялар ва низомларини ҳисобга олган ҳолда, бўлим мутахассисларининг малака ва касбий савиясини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

- бўлимнинг иш режалари ва бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;

- бўлимнинг иш режалари бажарилишини, бўлим мутахассислари томонидан режага ва режадан ташқари ўтказиладиган текширувлар сифатини назорат қилиш.

26. Бўлим бошлиғи қуйидагиларга жавоб беради:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиш;

- Бўлим фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкиллаштириш;

- прогноз кўрсаткичлари бажарилишини тизимли таҳлил қилиш ҳамда Бошқарма бошлиғига Бўлим томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришилишига қаратилган кўшимча чораларни қабул қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Транспорт вазирлиги ҳужжатлари ва топшириқларини бажаришни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалиқ бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-

тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

- Агентлик қарорлари, Агентлик директори ва унинг ўринбосарининг буйруқлари ва топшириқларининг, ҳамда Бошқарма бошлиғи топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш;

- Бўлимнинг иш режалари ишлаб чиқилишини, тасдиқлаш учун Бошқарма бошлиғига киритилишини таъминлаш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш;

- Бўлим фаолияти масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

- Бўлимда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Бошқарма бошлиғига кўриб чиқиш учун таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионализи, салоҳияти, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий сифатларининг юксак даражаси кафолатланганлигини таъминлаш, профессионал малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш, Бўлимда кадрлар захирасини шакллантириш;

- Бўлим томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Бўлим томонидан тайёрланган ҳужжат лойиҳаларини кейинчалик Агентлик директори томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (визаланиши) учун кўриб чиқиш ва визалаш, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентига қатъий мувофиқ ҳолда Транспорт вазирлигига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Агентлик раҳбариятининг топшириғига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Транспорт вазирлигида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

- Агентликка киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларни хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига сафарини ташкиллаштириш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларининг талабларига тўлиқ мувофиқ равишда хизмат сафарларини амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш;

- Бўлим ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, муҳокама яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

- Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари, ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, меҳнат ва ижро интизومي, ички иш тартибларининг талабларига риоя қилиши, Бўлим ходимлари томонидан кўрсатилган қоидалар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

- «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Бўлимда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг содир бўлишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, баргараф этиш;

- давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва очиқлигини ошириш бўйича Агентлик директориغا таклифлар киритиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан очиқ ва бевосита мулоқотни йўлга қуйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатда ва тартибда шахсий қабулларни, жумладан, жойларга борган ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларининг қабулини мунтазам ўтказиш;

- Агентлик раҳбарларининг топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

- давлат сири тоифасига киритилган ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш.

- белгиланган тартибга асосан бўлимда иш юритишни ташкиллаштириш;

- ўзининг ваколатига тааллуқли ҳужжатларнинг тартибли ва яхши ҳолда сақланишини ташкиллаштириш;

- бўлимнинг тассаруфида бўлган мулклар ва ҳужжатлари яхши ҳолда сақланишини ташкиллаштириш;

6-БОБ. БЎЛИМ БОШЛИҒИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

27. Бўлим бошлиғи, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ушбу низомда белгиланган вазифа ва функцияларни бажариш бўйича, ваколатлари доирасида бўлим мутахассисларига буйруқлар ва кўрсатмалар бериш.

2) учувчисиз учиш аппаратлари эксплуатантлари фаолиятида, парвозлар хавфсизлигига таҳдид қиладиган бузилишлар аниқланганда бажарилиши мажбурий буйруқ ва инспекторлик кўрсатмаларни бериш.

3) қуйидагилар бўйича Агентликнинг раҳбариятига таклифлар киритиш:

фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш;

авиация ҳодисалар ва инцидентларнинг олдини олиш бўйича профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;


парвозлар хавфсизлигига таҳдид қиладиган номувофиклик аниқланган ҳолларда, фуқаро авиацияси учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишга берилган ҳулосаларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш.

4) бўлимга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни ташкилотларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиш ва олиш.

5) белгиланган тартибда бўлим ходимларини тайинлаш, ўтказиш тўғрисида кўрсатмалар, лавозимидан озод этиш, ходимларни муваффақиятли ва лавозим вазифаларини виждонан бажарганликлари учун рағбатлантириш, шунингдек, лавозимига нотўғри хатти-ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида кўрсатмалар киритиш.

б) Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, инспекторлар таркибини тайёрлашни такомиллаштириш масалалари бўйича, халқаро ташкилотлар ишларида, конференцияларда ва семинарларда иштирок этиш.

Бўлим бошлиғи



Хусанов М.А.

Учувчисиз учиш аппаратларини рўйхатга
олиш ва фойдаланишини назорат қилиш бўлими низомига
Илова

Учувчисиз учиш аппаратларини
рўйхатга олиш ва
фойдаланишини назорат қилиш
бўлими бошлиғи
1 та.

Етакчи-мутахассис-инспектор
2 та.